



КАРОРИ

КАРАРЫ

Нүсбесі шағрлы

Нөміріс қалыасы

№ _____ 235

« 6 » _____ апрель 2018 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 30 мартдаги 252-сонли “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартриши ва қўшимча қарор киритиши, шунингдек, баъзи қарорларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Трокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 15 февралдаги ПФ-5343-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 30 мартдаги 252-сонли “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартриши ва қўшимча қарор киритиши, шунингдек, баъзи қарорларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг юқорида атаб ўтилган қарори асосида:

- a) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартриши ва қўшимча қарор киритилганлиги;
- б) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз қучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Вазирликлар ва идора қарор қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Нағметов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг

2018 йил 6 апрелдаги

235-сонли қарорига
илова

Қорақалпоғистон Республикаси Хукуматининг
ўз қучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2000 йил 3 мартдаги 50/2-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 17 февралдаги “Қичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида”ги 57-сонли қарори ҳақида”ги қарори.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2012 йил 21 сентябрдаги 261-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартришлар киритиши, шунингдек баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 268-сонли қарори ҳақида”ги қарорига 1-илованинг 3-банди.